

104-боб. Қул ҳам масъулдир



11:30 / 25.12.2020 2133

Бобнинг номидан кўришиб турибдики, Исломда қулларнинг зиммасига ҳам маълум бир мажбуриятлар, масъулиятлар юклатилган. Улар тенг ҳуқуқли кишилар даражасига кўтарилган. Шундай экан, қуллар ҳам ўз масъулиятларини шараф билан адо этишлари лозим.

Ибн Умардан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Барчангиз роъийсиз ва барчангиз раъиятингиз учун масъулсиз. Одамларга раҳбар бўлган амир роъийдир. У ўз раъиятида масъулдир. Эр киши ўз аҳли байтининг роъийсидир. У ўз раъиятида масъулдир. Кишининг қули хожасининг молига роъийдир. У ўшанда масъулдир. Огоҳ бўлинглар! Барчангиз роъийсиз ва барчангиз ўз

раъиятида масъулдир», дедилар».

Шарҳ: Бу ерда «роъий» дейилганда зиммасига масъулият юклатилган, ана шу масъулияти юзасидан жавобгар бўладиган раҳбар одам, «раъият» деганда эса ўша раҳбарнинг қўл остидагилари тушунилади.

Бунинг маъноси шуки, одамларга раҳбарлик қиладиган амир қўл остидагилар учун, уларнинг хавфсизлиги, таъминоти, назорати учун масъул бўлади. Қиёмат куни Аллоҳ таоло ҳар бир раҳбардан раъиятининг ҳақларини сўрайди.

Худди шунингдек, ҳар бир эркак ҳам ўз оиласининг бошлиғи сифатида оила аъзолари учун, уларнинг иймон-эътиқоди, одоб-ахлоқи, ибодати, ҳақ-ҳуқуқи, нафақаси учун масъулдир. Ҳар бир банда қиёмат куни ўз раъияти учун саволга тутилади.

Ушбу бобнинг мавзусига келсак, Ислонда қул ҳам ўзига топширилган мол-мулк учун, хожасининг ишончи учун, ўзига топширилган нарсаларнинг тасарруфи учун масъул бўлади.

Демак, қул ҳам маълум бир ҳақ-ҳуқуқларга ва шу билан бирга, белгиланган мажбуриятлар, масъулиятларга эга бўлган тўлақонли фуқаро ҳисобланар экан. Аллоҳ таоло барча бандаларини тенг кўриб, уларга тенг имкониятлар ва мажбуриятлар юклагандир.

Шунинг учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Огоҳ бўлинглар! Барчангиз роъийсиз ва барчангиз раъиятингиз учун масъулсиз», деганлар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжалари Оишанинг озод қилган қуллари Абдуллоҳ ибн Саъд айтади:

«Абу Ҳурайранинг «Хожасига итоат қилган қул Аллоҳ азза ва жаллага итоат қилган бўлади. Агар у хожасига осийлик қилса, батаҳқиқ, Аллоҳ азза ва жаллага ҳам осийлик қилган бўлади», деганини эшитдим».

Шарҳ: Бу ҳадисда қуллар ўз хожаларининг ҳаққини адо этишга тарғиб қилинмоқда. Бу тарғиб шу даражага етганки, қулнинг хожасига итоат қилиши Аллоҳ таолога итоат қилгандек бўлади. Шунингдек, қулнинг хожасига қилган итоатсизлиги Аллоҳ таолога нисбатан итоатсизлик дея баҳоланган.

«Одоблар хазинаси» китобидан